

SMART-таълим:

ўқув жараёнини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари

Тренер: Аюнов Равшан Хамдамович

Ҳозирги талабалар таълимнинг анъанавий моделини яхши қабул қилмайдилар. Шу муносабат билан мобилликка, амалиётга йўналтирилганликка, контентнинг ўзини тўлдирувчанлигига, контентни тақризлашга эга бўлган таълим моделини ишлаб чиқиш зарур. Бундай масалани SMART-таълим концепцияси ҳал қилишга қодир.

Таълим соҳаси мутахассислари ҳозирги талаба олдинги авлодлар талабаларидан жиддий фарқ қилади, деган фикрга кўшиладилар. Ҳозирги талабаларни Z авлоди деб номланадиган гуруҳга мансуб қилинади, унинг асосий хусусиятлари фаол мобиллик, ижтимоий медиа тармоқларда албатта иштирок этиш ва доим интернетга муҳтожлик ҳисобланади.

Z авлоди таълим жараёнига бошқача талаблар қўяди, чунки бу авлод учун “тармоқдан” билим олиш кўникилган ва тушунарлидир. Z авлоди вакиллари анъанавий таълим моделига мувофиқ ўқитиш таълим мақсадларини самарали амалга ошириш имконини бермайди, бунда кўпинча қуйидаги икки ҳолатдан бири келиб чиқиши кузатилади, жумлаан: энг яхши ҳолатда – тингловчилар томонидан фанга қизиқишнинг тез сўниши, энг ёмон ҳолатда эса – ўқитувчини тўлиқ тан олмаслик рўй беради. Бу муаммони электрон таълимнинг янгиланган модели ёрдамида ҳал этиш мумкин бўлиб, унинг постулатларидан бири Z авлоди кўникиб қолган Тармоқдан таълим жараёнининг жиддий таркибий қисми сифатида фойдаланиш бўлиши лозим. Таълим жараёни ахборот, электрон технологияларни қўллаб амалга ошириладиган ҳозирги электрон таълим тизими қуйидаги асосий тамойилларга эга бўлиши керак:

-таълимнинг очиқлигини ва мослашувчанлигини таъминлаш тамойили истеъмолчиларга қулай бўлган исталган жойда фойдаланувчиларнинг ҳамма тоифалари учун таълим олиш имкониятини яратишни кўзда тутди;

-индивидуаллаштириш тамойили кириш ва жорий назорат ҳамда ҳар бир тингловчи билимларининг индивидуал даражасига мувофиқ материалларни тақдим қилиш орқали амалга оширилади;

-интерфаоллик тамойили НИТ воситаларини қўллаган ҳолда “талабалар - ўқитувчи” ва “талаба - талаба” мулоқотлари қонуниятларида акс этади.

Замонавий электрон таълим асосланадиган SCORM стандартларини ҳозирги талабалар эҳтиёжларига жавоб бермайдиган, эскирган деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, шу стандартга мувофиқ таълим беришда интернетдан фойдаланилади, лекин талабани стационар компьютерга боғлаб қўйилади, бу эса, мобиль ва динамик ҳаёт талабларига жавоб бермайди. Талабаларнинг кўпида ўқиш учун яратилган мобиль қурилмалар: смартфонлар, планшетли компьютер ва ноутбуклар бор, аммо масофавий таълим тизимлари (МТТ)нинг ҳаммаси ҳам бундай платформаларни керагича қўллаб-қувватлай олмайди.

Z авлоди учун бугунги билимлар манбаи фақат дарсликлар ва ўқув аудиторияларида ёки электрон муҳитда ишлаётган ўқитувчилар эмас, балки интернет-сайтларнинг чексиз имкониятлари билан бирга “Википедия”, ижтимоий тармоқлар ва микроблоглардан иборат. Замонавий таълим стандартлари талабаларнинг таълим муҳитидан ташқаридаги фаолликларини ҳисобга олиш имконини бермайди, бу эса, ўқитувчи (тьютор)ни зарур ахборот ва топшириқларни МТТга жисмонан кўчириш бўйича ишни бажаришга мажбур қилади, бу кўпинча муаллифлик ҳуқуқларини бузиши мумкин, бошқа томондан эса, бу кераксиз ва эскирган амалиёт бўлади.

Мавжуд қоғоздаги ва электрон дарсликлар ҳозирги талабалар эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермайди, бунинг сабаби уларнинг фақат мобиллиги ва индивидуаллиги йўқлигида эмас, контент (мазмун)нинг эълон қилиш вақтидаёқ эскирганидан иборат. Физика, математика каби фундаментал фанлар доирасида назария жузъий ўзгаради, аммо амалий фанлар учун ўқув материалида акс эттирилган мазмуннинг ўзгариш тезлиги баъзан ҳафталар ва кунларга тенг бўлади.

Юқорида келтирилган муаммоларнинг ечими МЭСИ томонидан таклиф қилинган, ҳозирги талабалар эҳтиёжларига мос бўлган, янги таълим концепцияси – SMART-таълим концепцияси бўлиши мумкин.

Замонавий SMART-жамият ва унинг “умр бўйи таълим олиш” ёндашуви “тингловчига қулай жойда таълим” тамойили бўйича ҳамма жойда ўқитиш зарурлигини, яъни янги концепциянинг муҳим тамойили контент истеъмолининг мобиллиги бўлиши лозимлигини кўрсатади. Мавжуд дарсликлар бу вазифани бажара олмайди, чунки уларни сотиб олиш

вақтидаёқ эскириб бўлган контентни тақдим қилади. SCORM стандарти бўйича тайёрланган электрон курсларни ҳам эскирган деб ҳисоблаш мумкин, чунки улар тингловчини интернетга доимий уланган стационар компьютерга боғлаб қўяди, бу эса, ҳозирги ҳаётнинг жадал суръатлари ва юқори мобиллигида жуда ноқулай. Шу муносабат билан ўқув контентини тарқатишда ижтимоий тармоқлар алоҳида ўринга эга бўлиб, бу эса, SMART-дарслик билан ижтимоий медианинг интеграциялашувини таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.

SMART-дарслик концепциясини таълим муҳитидан ташқарида амалга ошириш имкони йўқ. SMART-дарслик SMART-ўқув жараёни учун асос бўлиши, қоғоз дарсликнинг афзалликларини, электрон курсларнинг (биринчи галда SCORM нинг) техник имкониятларини ўзига қамраб олиши ҳамда шу юқорида айтилганларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўлиши лозим.

Тингловчиларга таклиф этилаётган таълим контентининг долзарблигини, унинг соҳанинг реал муаммоларига мослигини фақат ўқитувчининг кучи билан таъминлаб бўлмайди. Шу сабабли долзарбликнинг юқори даражасини доим сақлаб туриш учун соҳанинг экспертлари жамоаси вакилларини жалб қилиш зарур. Курсни тинглаган ва профессионал соҳада фаол ишлаётган талабалар вақт ўтиши билан эксперт бўла борадилар, бу эса, SMART-таълим концепциясини амалга ошириш доирасида тингловчилар билан (шу жумладан, илгари битирган тингловчилар билан ҳам) ва экспертлар жамоаси билан доимий мулоқот каналини яратиш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги таълим ўқув материални беришга амалиётга йўналтирилган ёндашувни талаб қилади. Ўқув-методик таъминотнинг уни амалда қўллаш имконияти билан боғлиқлиги йўқлиги унинг тингловчилар учун аҳмиятини жиддий пасайтиради ва охирида олий ўқув юртининг нуфузини пасайтиради. Материални беришнинг мумкин бўлган шакллари ўқув материалга “амалиётни” киритиш учун ўқув жараёнида эскирган кейслардан фойдаланишдан, то тингловчиларни реал компанияларга стажёрлар сифатида киритишгача қамраб олади. Аммо айтиб ўтилган ёндашувлар ишлайдиган тингловчиларга ҳамда қуйи курслар талабаларига ҳамма вақт ҳам мос келмайдими.

SMART-таълим концепцияси доирасида дастлаб амалий масалани қўйиш (ҳал этиш учун реал кейсни тақдим қилиш), кейин ўрганиш қўйилган бизнес-режани ҳал этиш имконини берадиган долзарб назарий материални тақдим қилиш ғояси таклиф қилинган эди. Шундай қилиб, тингловчиларни

назарий материални ўрганиш жараёнига жалб қилиш энг юқори даражада бўлди, чунки уни ўрганиш муайян реал амалий масалани ҳал қилиш мақсадига йўналтирилган эди.

Таълимга SMART-ёндашувнинг асоси назарий материални реал бизнес-масалани ҳал қилишга боғлаб бериш ҳисобланади. Бу концепцияни амалга ошириш учун ҳар бир фан соҳаси доирасида реал компаниялардан бизнес-кейслар кутубхонасини яратиш зарур.

Баён қилинган муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган йўналишлари SMART-таълимнинг асосий табиойилларини шакллантириш имконини беради (...-жадвал).

Бундай ёндашув SMART-таълим жараёни асосида ётади ва қуйидаги катор босқичларни амалга оширишни талаб этади.

1. Курсга шу курснинг мақсадлари ва вазифаларининг қўйилишини киритиш, фойдаланиладиган таълим технологияларини баён қилиш, олинладиган компетенцияларни характерлаб бериш.

2. Тингловчининг кириш компетенцияларини баҳолаш. Буни ўтказишнинг мумкин бўлган шакллари: бешта асосий саволлардан иборат кириш тести ва тингловчи ҳақида маълумотлар. Тингловчиларнинг даражаси учга: бошланғич, таянч ва юқорига ажратилади.

3. Тингловчига унинг аниқланган даражасига боғлиқ равишда таълим олиш даврининг ҳаммаси учун масалани бошидан охиригача ҳал этиш бўйича кейс вариантини тақдим қилиш.

4. Тингловчига SMART-концепциясига мувофиқ таълим олиш учун материалларни тақдим этиш.

5. Тингловчининг рейтингини аниқлаш учун оралиқ назоратни ташкил қилиш. Оралиқ назоратнинг тахминий вариантлари: назарий материални билишининг тест синови; гуруҳли баҳс-мунозаралар, шу жумладан, кейс топшириғининг бажарилиши тўғрилигини баҳолаш мақсадида экспертлар иштирокида.

6. Кейсни ҳал қилишнинг якуний ҳимоясини экспертлар жамоаси ва тадбиркорлар вакиллари (кейснинг муаллифлари) олдида ташкил қилиш. Кейсни ҳал қилиш курс бўйича компетенциялар даражаси етарлилигини ҳақиқий тан олиш ҳисобланади.

SMART-ўқув жараёнининг шунга ўхшаш схемаси қуйидагиларни ҳал этиш имконини беради:

	Тамойилнинг тавсифи
Таълим жараёнининг мобиллиги	Таълимнинг қулай жойда, қулай вақтда тамойилини амалга оширишни таъминлайди. Мобиль платформалардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.
Ижтимоий мелиа билан икки томонлама интеграция	Дарслик тўғрисидаги ахборотнинг тез тарқатилишини ҳамда таълим жараёнида ижтимоий медиалардаги ахборотдан фойдаланишни таъминлайди.
Ўз ўзини тўлдирувчанлик ва ўз ўзини долзарблаштириш	Дарслик мазмунини ўрганилаётган масала бўйича долзарб ва тўлиқ ахборот билан тўлдиришни таъминлайди.
Мутахассис амалиётчилар билан онлайн-маслаҳатлар	Соҳа экспертлари билан ўзаро муносабатни таъминлайди.
Биргаликда контентни яратиш занжири: талаба курснинг яратувчи ҳаммуаллифи	SMART-таълимнинг истиқболли ривожланиши “peer-2-peer таълим” ҳисобланади, бунда талабалар ўрганилаётган мавзу бўйича бир-бирлари билан мулоқот қиладилар ҳамда талаба ечган материаллардан кейинги тингловчиларни ўқитишда фойдаланилади.
Материални синхрон ўрганиш ва ижтимоий муҳит шароитларида реал бизнес-топшириқларни ечиш бўйича кўникмаларни амалда қўллаш	Ўқув материални беришнинг амалиётга йўналтирилганлиги, яъни “ечиш учун кейс + назарий материал” тамойили амалга оширилади

Ўқув материални беришни “назария + амалий мисоллар” концепциясидан “амалий бизнес-топшириқ + уни ечиш учун зарур назария” концепциясига ўзгартириш жиддий, лекин ягона бўлмаган вазифа ҳисобланади, уни ҳал этиш электрон курсни SMART-ўқув жараёни деб номлаш имконини беради.

Чет тили ўқитиш тизимида ҳар йили энг янги инновацион технологияларни қўллаган ҳолда масофавий таълимнинг борган сари кўп турли шакл ва усуллари пайдо бўлмоқда. Улар таълим жараёнини амалга оширишнинг фақат алоҳида техник воситалари ёки ахборот узатиш ва алмашиш тизимлари эмас, балки ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияларини, нутқ кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқитиш методларининг яхлит тизимини ҳам ўз ичига олади. Чет тилини билиш талаб қилинадиган нутқ фаолиятининг соҳалари ва турлари сонининг ортиб бориши, турли ҳаётий соҳаларнинг интеграциялашуви ва байналмилаллашуви тил ўргатишга тегишли бўлмаган олий таълим муассасаларида чет тилини ўргатиш сифатига талабларни оширмоқда.

Чет тилини ўрганишнинг бош мавзуси нутқ фаолиятининг оғзаки мулоқотдан бошлаб ва матн билан ишлашда ахборотни олиш бўйича турли йўналишдаги ишларга қобилиятни ривожлантириш ҳамда шу ахборот асосида фикрларни шакллантиришгача бўлган барча турларини ривожлантиришдан иборат.

Чет тилини ўқитишда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Чет тилини эгаллашнинг икки жиҳати (биринчидан – лингвистик структурани ўрганиш, иккинчидан – нутқни ривожлантириш) мавжудлиги туфайли *нутқни ривожлантиришнинг психологик омилларини ва лингвистик структураларни англаб ўрганишни ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг оптимал методларини излаш масаласи* келиб чиқади. Тил коммуникация, мулоқот воситаси, нутқ эса, бу коммуникациянинг усули бўлиб, ушбу коммуникация воситаларини эгаллаш фақат махсус коммуникатив муаммоли ўқув вазиятлари яратилганда мумкин бўлади.

Чет тилларни ўқитиш жараёнида энг янги SMART-технологиялар (вебинарлар, блоглар, твиттерлар, видео ва аудио подкастлар)ни асинхрон ва он-лайн режимларда қўллаш айнан шундай вазиятларни моделлаштириш имконини беради, анъанавий таълим методларини борган сари кўпроқ тўлдиради, чет тилида мулоқотнинг фикрни бошқа тилда ифодалаш имкониятини англашдан бошлаб коммуникатив-билиш вазифаларини мустақил ҳал этишгача бўлган коммуникатив ўзагини ёки асосий кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради, шу орқали талабаларнинг интеллектуал ва ижодий имкониятларини очиб, уларнинг ўқишга мотивациясини оширади, ўрганилаётган фанларга янгича қарашга ундайди.

SMART-технологиялар билан ишлашда ўқитувчи (тьютор)нинг таълим жараёнининг ташкилотчиси ва координатори сифатидаги роли айниқса

ортади, у ўқув жараёнини ҳар бир талабанинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда кўпроқ мослашувчан йўналтириш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, коммуникатив метод таълим жараёнини мулоқот жараёнининг модели сифатида ташкил қилишни назарда тутди. Демак, биз коммуникация мазмуни амал қиладиган шундай ҳақиқий шаклни топишимиз керакки, у нутқий материални танлаш ва ташкил этиш учун айнан мос асос бўлсин.

Чет тилида мулоқотга ўргатишнинг муваффақиятли бўлишида тўғри ташкил қилинган гуруҳли-жамоали иш ва умуман ўқув жараёнининг коммуникатив-йўналтирилган тузилиши катта аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи билан талабаларнинг биргаликдаги фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан бу фаолиятнинг қандай даражада ташкил қилиниши билан боғлиқ. Бунда, бизнингча, мустақил иш биринчи ўринда туради. Ўқитувчилар олдида талабада таълим олишга энг катта мотивацияни таъминлайдиган ўқув фаолиятини ташкил қилиш муаммоси туради. Гуруҳли ёки жамоавий топшириқларни бажаришда талабалар диққатларини фикр-мулоҳазанинг шаклига эмас, мазмунига қаратадилар. Бунда биргаликдаги фаолиятнинг—янги ахборотни билиш ва мустаҳкамлаш, уни баҳолаш, муаммоли топшириқларни биргаликда муҳокама қилиш, турли нуқтаи назарларни қиёслаш, баҳс-мунозарада иштирок этишдан иборат мақсади аҳамиятга эга бўлади. Интерфаол топшириқларни бажаришда талабалар нутқий ҳаракатларнинг массив ижрочиси бўлмасдан, ижодий ёндошиш ва мустақилликни намоён қиладилар.

Таълимнинг интерфаол шакллари айнан шундай вазиятларни моделлаштириш имконини беради.

Маълумки, чет тилини ўқитиш – ўша тилда ўқишга, ёзишга, тинглаб тушунишга ва гапиришга ўргатишдан иборат. Бунда гапиришга ўргатиш энг кийин вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўқув форумлари билан ишлаш ҳозирги ўқитувчиларда борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда, чунки форум мавзуларни чет тилида муҳокама қилишга мўлжалланади, бу эса, баҳс-мунозара ташкил қилишга жуда мос келади, талабаларнинг нутқ кўникмаларини реал ривожлантиради, уларнинг мутахассислик тили лексикасидан фойдаланишларини фаоллаштиради.

Маълумки, коммуникациянинг муваффақиятлилиги қуйидагиларга боғлиқ:

а) мулоқотга киришиш истаги борлиги, яъни бошқа одамлар билан ўзаро тушуниш вазиятини ўрнатиш имконини берувчи ҳосил бўлган нутқий мақсадни амалга оширишга;

б) тилнинг турли даражаларидаги таркибий-тизимли тузилмаларни эгаллаганлик даражаси ва уларни тегишли мулоқот вазиятларида қўллаш қобилиятига;

в) вербал жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқни ташкил қилувчи ифодаларни эгаллаганлик даражасига.

Санаб ўтилган шароитлар орасида муайян вазиятлар алоҳида қизиқиш ҳосил қилади, бунинг сабаби уларнинг гапириш мотиви ва эҳтиёжи ҳосил бўлишига имкон бериши, тахминлар ва мулоҳазаларни олға суришга ёрдам беришидан иборат кўпчиликка маълум амалий йўналганлиги эмас, балки фикрлаш жараёнини фаоллаштириш, ўқув жараёнини табиий мулоқотга яқинлаштириши ҳисобланади.

Шунинг учун ўқитувчи (тьютор) мулоқотнинг коммуникатив вазиятларини яратиши ва ўрганилган нутқ клишеларини нутқ жараёнига чиқариши, ўқилганлардан ахборотни олиш ва ишлов бериш, турли шаклларда ёзма баён қилиш қобилиятларини шакллантириши, ўқувчиларни чет тилида мунозара олиб боришга тайёрлаши керак.

Шундай қилиб, ўқитувчи (тьютор) аудиторияда дастурдаги мавзуларни ўргатиб, талабаларнинг форумда мустақил ишларини ташкил қилиш учун мавзу танлайди. Улар мутахассислик тилининг ҳар туоли мавзулари бўлиши мумкин, масалан: *New Inventions in IT Technology, Basic Principles of Organizing, Business organizations, Forms of Business Organization and Companies, Law and Value* ва бошқалар.

Ўқитувчи (тьютор) талабаларнинг берилган мавзуни муҳокама қилишда иштирок этиши муддатларини белгилайди. Талабаларнинг жавоблари такрорланмасиги керак. Мақсад фикр-мулоҳазаларни саводли ифодалашга ўргатиш бўлади. Саводли ифодалаш кўникмаси албатта гуруҳнинг А, В, С даражаси (*advanced, intermediate, pre-intermediate*)га боғлиқ. Баҳолаш мезони жавобнинг саводлилиги, раволиги ва тўлиқлиги, унинг берилган мавзуга мослиги ҳисобланади.

Кучли “А” гуруҳлари талабаларининг жавоблари муаммонинг оммавий муҳокамаси сифатидаги баҳс-мунозаранинг моҳиятини энг тўлиқ ифодалайди. “С” гуруҳларида баҳс-мунозара тўлиқ маънода амалга ошмайди,

Бунда чет тилида баҳс-мунозара олиб бориш кўникмаларининг ривожланиши жараёни амалга ошади. Бу эса, талабаларнинг ўз луғат захираларидан фаол фойдаланишларини рағбатлантиради, чет тилидаги нутқ кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар мустақил ишлашининг моҳияти шундан иборатки, улар интернетнинг имкониятларидан фойдаланиб жавоб тайёрлашлари, гапларнинг имлосини ва таркибини текширишлари, ўқитувчи (тьютор) эса, уларни турли усуллар (тагига чизиш, матндаги нутқий хатони ажратиб кўрсатиш, гапдаги сўзлар тартибини ўзгартириш ва ш.к.)дан фойдаланиб тузатиши мумкин.

Шунингдек, ўқитувчи талабани мавжуд материалларга йўналтириши ҳамда аудитория машғулотларида уларга эътиборини қаратиши мумкин. Форумда ишлаш жараёнида талабаларда чет тилидаги ёзма нутқ компетенцияси яққол шаклланади.

Талабалар мураккаброқ, ёйиқ конструкциялардан фойдаланадилар ва уларни кейинчалик реал нутққа олиб кирадилар. Талаба жавоб тайёрлаш, гапларнинг имлосини ва таркибини текшириш имконига эга бўлади, форум орқали мулоқотда психологик тўсиқ йўқ бўлади, талабалар чет тилидан чўчимайдиган бўладилар. Шундай қилиб, форум – мулоқотнинг асинхрон воситаси бўлиб, машғулотнинг вақт доирасидан чиқиб, мазмунли суҳбат олиб бориш имконини беради. Форумда on-line тизимида ишлашда талабалар чет тилини ўрганишга, ўзларини ижодий намоён қилишга мотивацияларини оширадилар ҳамда маданиятлараро коммуникацияни шакллантирадилар. Бу эса, чет тилини ўргатишда талабаларнинг ўз луғат бойликларидан фаол фойдаланишларини рағбатлантиради, чет тилидаги нутқ кўникмаларини ривожлантиради.

Форумнинг асосий вазифаси – чет тилида баҳс-мунозара олиб бориш кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат. Форумлар, бизнингча, ноодатий бўлиб туйилишига қарамасдан, чет тилини ўргатишда муваффақиятли қўлланиши мумкин.

Иш билан боғлиқ компетенцияларни шакллантирувчи ва борган сари тарқалиб бораётган бошқа инновацион шакл вебинарлар ҳисобланади. **Вебинар, инглизча – webinar, (“Web-based seminar”нинг қисқартмаси) – он-лайн семинар бўлиб, ўқитувчи (тьютор)га ахборотни, топшириқни узатиш, иштирокчиларга эса, дунёнинг исталган нуқтасидан бир-бирини кўриш ва эшитиш имконияти мавжуд бўлган виртуал синф ёрдамида ахборот**

олиш ва таълим олиш имкониятини беради. **Айниқса муҳим имкониятлари:** иштирокчиларга тақдиротларни кўрсатиш, виртуал доскада расм чизиш, сўровлар (савол-жавоблар)ни фаоллаштириш ва кўпроқ интерфаоллик учун иштирокчилар он-лайн чат дарчасида саволлар беришлари мумкин.

Вебинар *web-илова* ёрдамида ишга туширилади. Бу замонавий SMART-технологияларни қўллаш ёрдамида талабалар билан диалог ташкил қилиш шакли бўлиб, талабаларни масофадан ўқитиш ҳамда он-лайн режимда видеоконференциялар ўтказиш имконини беради. Мулоқотнинг бу янги шаклидан фойдаланиш ёшлар аудиториясининг ўтказилаётган семинарлар ва машғулотларга қизиқишини орттиради ва уларнинг давоматини оширади ҳамда вақтни тежайди.

Вебинарлар талабаларни масофадан чет тилига бой кўргазмалар воситалар билан ўргатишни ташкил қилишнинг самарали шаклидир. Ахборотни, тасвирлар ва видеони ҳам қўшганда, исталган шаклда кўрсатишнинг бундай қулай усули суҳбатдошни кўриш ва эшитиш имкониятини беради. Шу муносабат билан бундай технологияни чет тилини ўқитишда доим энг муҳим бўлган юзма-юз мулоқотнинг тўлақонли альтернативи деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, он-лайн режимда чет тилини ўргатиш жуда катта аудиторияни қамраб олиш ва “электрон” таълимнинг энг кўп имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Билимларни олиш ва тезкор назоратни олиб бориш дунёнинг исталган нуқтасида Интернетга уланиш мумкин бўлган жойда амалга оширилиши мумкин.

Вебинарлар технологияси таълим бериш, шу жумладан, чет тилларни ўқитиш учун энг қулай ва иқтисодий жиҳатдан фойдали ечимлардан биридир. Бу масофадан мулоқотни реал жонли мулоқотга энг кўп яқинлаштирган ҳолда бир-бирини кўриш ва эшитиш, маълумотларни алмашиш ва уларга интерфаол режимда биргаликда ишлов бериш имконини берувчи технологиядир.

Шундай қилиб, ҳозирнинг ўзида энг янги инновацион технологияларни қўллаган ҳолда талабаларни баҳс-мунозаралар олиб боришга ўргатиш уларнинг билиш фаоллигини ривожлантиришга ёрдам беради, ўқишга қизиқишларини жиддий оширади ва яхши натижалар беради.

